



ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ


2012 йил 23 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 166—167 (12.227—12.228)


Баҳоси эркин нарҳда



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!


ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



ЮНУСОБОД ТУМАНИ:

РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришганига йигирма бир йил тўлмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистонимиз мисли кўрилмаган даражада юксалди. Истиқлол шарофати билан Юртбошимиз раҳнамолигида ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Айни кунларда шаҳримиз туманларида байрамни муносиб кутиб олиш учун қизгин тараддул кетмоқда. Юнусобод тумани аҳолиси ҳам Истиқлолнинг 21 йиллигини ҳар соҳада ўзига хос ютуқлар билан кутиб олишга ҳаракат қилиб, ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларига жадал қилишган. Туман йил сайин обод ва кўркем бўлиб, ўзгача қиёфа касб этмоқда.

1936 йилда ташкил топган туман ҳудуди 4106 гектар майдонни ташкил этиб, ушбу масканда 308,7 мингдан ортиқ турли миллат вакиллари аҳилликда истиқомат қилиб келишмоқда. Юнусобод туманида 58 та маҳалла бўлиб, ширкатлар сони 334 тани ташкил қилади.

Йилдан йилга чирой очаётган туманда 41 та

умумтаълим мактаблари, 3 та мусиқа мактаби, 6 та касб-ҳунар коллежи, 6 та академик лицей, 4 та олий ўқув юрти, 4 та касалхона, 9 та шифохоналар, битта санаторий, 1339 та савдо шохобчалари, 2 та кинотеатр, 5 та маданият уйи, 4 та музей, 2 та боғ, 2 та теннис корти, 7 та сузиш ҳавзаси, 12 та мини футбол майдонлари мавжуд.

Ўтган давр мобайнида туманда ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда ислохотлар давом эттирилиб, қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди.

Жумладан, 2012 йил январь-июнь ойида жами 201,1 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати 104,5

фоизни, истеъмол моллари ҳажми 94,3 млрд. сўмни, ўсиш суръати 105,1 фоизни ташкил қилди.

«2012 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш» Дастурига 11 та корхонанинг 14 та лойиҳаси қиртилган. Дастур доирасида йиллик 38511,6 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши режалаштирилган, бу 2011 йилга нисбатан 15,7 фоизга кўпдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак юнусободликлар мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрамини ҳар бир соҳада самарали ютуқлар билан кутиб олишга шайланишган.

(Юнусобод туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

Тошкентда 22 август куни Ўзбекистон — Япония ишбилармон доираларининг давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон-Япония савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, қурилиш, ахборот ва ахборот технологиялари, телекоммуникациялар, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, матбаа, фан-таълим, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, фармацевтика, сайёҳлик каби соҳаларда фаолият кўрсатаёт-

ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан. Япониянинг етакчи компаниялари «Мицубиси корпорейшн», «Соджицу корпорейшн», «Марубени», «Иточу корпорейшн», «Исузу моторз», «Сумитомо корпорейшн» каби кўплаб компаниялар Ўзбекистонда йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Бунда мамлакатимизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, кенг имконият ва имтиёзлар, қонун билан қафолатланган преференциялар муҳим омил бўлмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ УЧРАШУВИ

ган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ўринбосари Ш.Тўлағанов Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро муносабатлар барча йўналишларда, жумладан, савдо-иқтисодий соҳада ҳам изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг февраль ойида Японияга расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги босқичга олиб чиққани алоҳида қайд этилди.

Япония — Ўзбекистоннинг энг фаол ва йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар 2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида изчил тараққий этмоқда. Япония мамлакатимизда барча тармоқларда амалга оширилаётган изчил ислохотларни кенг қўллаб-қувватлаб келаётди.

Ўзбекистон — Япония иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги битимлар каби қатор ҳужжатларга асосланади. Бу борада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий этилган.

Мамлакатимизда 11 Ўзбекистон — Япония қўшма корхонаси фаолият юритмоқда. Юртимизда, шунингдек, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, сармоявий лойиҳалар доирасида ускуна ва жиҳозларни етказиб бериш каби соҳаларда иш олиб борувчи Япониянинг 14 етакчи фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалар — Ўзбекистон ва Япония стратегик

— Япония ишбилармонлари Ўзбекистон билан автомобилсозлик, қурилиш, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга катта қизиқиш билан қарамоқда, — деди Япониянинг «Нуклеус» уюшмаси раиси, «Кайко Денгю» компанияси президенти, делегация раҳбари Йошинари Камияма. — Уюшмамиз Япониянинг турли соҳаларда фаолият юритувчи ўндан зиёд компанияларини Ўзбекистон бозори билан таништириш ва ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун таклиф этди. Мен ўзим раҳбарлик қилаётган «Кайко Денгю» компанияси электр ўтказгичлар, электр техникавий ускуналар ва электр ёритгичлар ишлаб чиқариш ва электр маҳсулотлари савдоси билан шуғулланади. Юртингизда электр маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган компания ва фирмалар фаолияти билан танишиш имконига эга бўлди. Келгусида Ўзбекистон билан қўллаб қўшма лойиҳалар устида ишлашни режалаштирганимиз.

Анжуманда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, қўшма корхона сони ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Япония компанияларини юртимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва «Ангрен» махсус индустриал зонасида юқори технологик қўшма лойиҳаларни амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистоннинг қўллаб қўшма компания ва корхоналари ҳамда Япония ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида «кооперацион биржа ўтказилди».

Мадина УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

ЮКСАК МАДАНИЯТ КЎЗГУСИ

Дугонамиз Маданининг туғилган кунига ҳам бир ой вақт қолди. Уни қаерда ва қандай нишонлаш учун биз, дугоналар муҳокамани ҳозирдан бошлаб юбордик. Биримиз уйда нишонлайлик, десак, иккинчимиз кафеда ўтиришни маслаҳат бердик. Тўғри, бундай қувончли кунларни уйда ўтказишни ҳам ўз гашти бор. Аммо эрталабдан кечгача ишлайдиган одамлар учун бу ортиқча вақт талаб қилади. Кафе ва рестороанларда нишонлашни эса қўлайликлари жуда кўп. Фақат қайси рестороанда нишонласак экан?.. Уларнинг сони кўплигидан, хилма-хиллигидан бошимиз коти...

Тамадхоналар — ошхона, чойхона, кафе ва рестороанлар мамлакат, жамият ва халқнинг турмуш тарзи, тараққиёти ва маданиятининг кўзгусидир. Улар наинки одамлар овқатланидиган жой, балки уларнинг маънавий ва маърифий дунёсини янада бойитувчи, дўст ва биродарларни бир жойга тўплаб, ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамловчи масканлардандир. Шу ўринда дунёга машҳур ўзбек чойхонаси қадимдан Шарқ оламнинг донги кетган маданий марказларидан бўлганини алоҳида қайд этиш жоиз. Чойхонада азалдан бир пиёла чой устида турли янгиликлар билан ўртоқлашилган, дўст ва қариндошлар йиғинлари ўтказилган. Маҳалла ва жамият ҳаётига оид мавзуларда суҳбатлар қўрилган. Дастурхонга тортилган палов бундай суҳбатларни янада бойитган. Бу удум ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

(Давоми 3-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон давлат консерваториясида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шiori остидаги республика анжумани ўтказилди. Мазкур тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Хотин-қизлар кўмитаси фаоллари ҳамда иқтидорли ёшлар иштирок этишди.

• Ховос туманидаги «Хунарманд» уюшмаси туман бўлими қошида тикувчиликка ихтисослаштирилган «Чевар — Мафтуна — Нафис» шўъба корхонаси ташкил этилди. Ховос кўрғонидаги хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида ушбу лойиҳани амалга оширди. Бунинг учун 105 миллион сўмлик имтиёзли кредит олдик. Ушбу маблағга хориждан энг замонавий жиҳозлар, тикув машиналари, пресслаш, дазмоллаш ва бичиш ускуналарини олиб келиб ўрнатдик. Айни пайтда 70 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган корхонада мактаб ўқувчилари учун кийим-кечаклар тикилмоқда.

• Энг улуг, энг азиз байрам муносабати билан жойларда ташкил этилаётган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркалари халқимиз дастурхонини тўқинлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Оролбўйида ташкил этилган ярмаркаларда ҳам фермер ҳўжаликлариде етиштирилаётган полиз ва сабзавот маҳсулотлари, сархил мевалар шаҳар аҳолисига арзон нархларда етказиб берилмоқда. Нукус шаҳридаги 56-маҳалла фуқаролар йиғинида олти минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда ташкил этилган ярмаркада асосан Эллиққалъа тумани фермер ҳўжаликлариде етиштирилган сифатли полиз ва сабзавот маҳсулотлари сотилаётди.

ЖАҲОНДА

• АҚШ Автомобиль ҳаракати хавфсизлиги миллий бошқармаси (NHTSA) мамлакатдаги машиналарга қора кути — автомобиль ҳаракатланаётган пайтдаги маълумотларни ёзиб борувчи ускуна ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳужжатга кўра, 2015 йилгача мамлакатда сотиладиган барча машиналарга қора кутилар ўрнатилиши зарур. NHTSA мутахассисларининг сўзларига кўра, қора кутилар хавфсизликни таъминлаш ишларини янада кучайтириш, йўл-транспорт ҳодисалари сабабини аниқлаш мақсадида ўрнатилди. Уларнинг фойдали томонларидан яна бири шундаки, йўл-транспорт ҳодисаси юз берган пайтда қора кутилар бу ҳақдаги хабарни автоматик равишда махсус тезкор хизматларга юборади.

• БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (FAO) жорий йилнинг июль ойида жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи олти фоизга ошганини маълум қилди. Ташкилот вакиллари айтишича, дунёнинг кўплаб мамлакатларида қузилган қувоқчилик кутилганидан кам ҳосил олишга ва уларнинг нархи ошиб кетишига сабаб бўлган. Хабарларга қараганда, сув танқислиги боис АҚШда макжажҳори йигирма уч фоизга, галла ўн тўққиз фоизга қимматлашган. Тинмай ёққан ёмғир Бразилияда шакарнинг нархини ўн икки фоизга ошириб юборди. Австралияда эса гўшт нархи қарийб тўрт фоизга ошган.

• Япониянинг «Mitsubishi» автомобилсозлик корпорацияси «Citroen C-Zero» ва «Peugeot iOn» русумидаги электр қуввати билан ҳаракатланувчи машиналарни ишлаб чиқаришни тўхтатди. Компания вакиллари айтишича, Франциянинг «Peugeot» компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган бу русумдаги автомобилларга бўлган талаб пасайиб кетган. Ўтган олти ой мобайнида жами 25 мингта ишлаб чиқарилган бундай машиналарнинг атиги 1787 донаси сотилган. «Mitsubishi» раҳбариятининг маълум қилишича, ушбу қарор икки компаниянинг юк ташигиша ихтисослаштирилган электр қуввати билан ҳаракатланувчи автомобиллар тайёрлаш борасидаги қўшма лойиҳасини амалга оширишга умуман таъсир қилмайди.

ҚИСҚА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** «Қамолот» ЁИХ Чилонзор туман Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат

мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан туман ёшлари ўртасида «Расмларда Ватаним тарихи» мавзусида асфальтга расм чизиш мусобақаси ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи ҳамда ту-

ман маданият ва спорт бўлими ҳамкорлигида туманда жойлашган «Як-шинасозлар» маҳалласида «Ғуруримсан, она Ватан» мавзусида адабий кеча ва концерт бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология

ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан «Як-касарой» спорт мажмуасида тармок тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар ходимлари иштирокида мини-футбол бўйича турнир ўтказилади.

21
YUKSTABIL - INDEPENDENCE
YUKSTABIL - INDEPENDENCE

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ЮНУСОБОД ТУМАНИ:
РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ
ЙЎЛИДА

Машиналар тирбанд қатнайдиған кўчадан «Посира» маҳалласига бурилар экансиз, шу заҳоти 304-мактабга таълим муассасасининг шинам биносига кўзингиз тушади — кириш дарвозаси аркининг ўзига хослиги, ранг-баранг байроқчалар ва болаларнинг шўх-шодон овозлари диққатингизни тортади.

ҚИЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТЛАР
ЎТКАЗИЛМОҚДА

— Бизнинг асосий вазифамиз бола шахсиятининг асосларини шакллантириш, уларда билишга оид қизиқишларни ривожлантириш, соғлиғини мустаҳкамлаш ва мактабга тайёроллашдан иборат, — дейди 304-сонли МТМ мудираси Шахноза Охунбоева. — Бу йўналишда биз нафақат педагог ва тарбиячиларимизнинг масъулиятли фаолиятига, айти пайтда «Посира» маҳал-

ласи фаоллари, 98-сонли мактаб жамоаси ёрдамига ҳам таянамиз. Бугунги кунда болалар боғчаси — умумтаълим муассасасини жамоат ташкилотлари билан боғлайдиган бугун ҳисобланади. Бундай ҳамкорлик болалар тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Улар олдиндан бўлажақ ўқувчилари, мактабдаги ўқув жараёни шарт-шароитлари билан танишади.

Бугунги кунда ушбу боғчада 400 нафарга яқин болалар тарбияланмоқда. Мактабга таълим муассасасининг малакали педагоглардан ташкил топган жамоаси ҳар бир машғулотнинг қизиқарли ва фойдали ўтишига ҳаракат қилади. Боғча тўғрақлари машғулотлари ҳақиқатан ҳам қизиқарли. Улар орасидан «Кувноқ арқонча», «Сехр-ли қалам», «Оригами», «Хамирли

пластика», «Кувноқ математика» — ни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу ерда драматик тўғрақ, кўғирчоқ театри ҳам фаолият кўрсатади. Ҳар бир байрамга атаб болалар ўз ижоди маҳсулини тайёрлайди, булар — расмлар, пластилиндан ясалган буюмлардир. Уларнинг энг яхшилари кўргазмадан ўрин олади.

Мактабга таълим муассасаси негизда ота-оналар учун маслаҳат кенгаши, ёш оналар мактаби фаолият юритмоқда. Бу ерда тарбия, психологик коррекция масалалари бўйича мутахассисларнинг ёрдамини олиш мумкин. Ота-оналар учун тез-

тез семинарлар, тренинглар ўтказиб турилади.

Ушбу боғчада тарбияланган ва ҳозирги кунда мактабда ўқитган болалар билан учрашувлар ҳам катта қизиқиш уйғотади. Ўқувчилар болалар ҳузурига ўзлари ясаган совғалар, тайёрлаган саҳна кўринишлари билан ташриф буюришади. Табиийки, машҳур шоирлар, рассомлар, хонандалар билан учрашувлар болаларда катта таассурот қолдиради. Жумладан, яқин кунларда машҳур болалар шоири Анвар Обиджон билан ижодий машғулот ўтказиш режалаштирилган.

Маҳалла фаоллари билан учрашувларда эса болалар учун танловлар, викториналар, тарих дарслари ўтказилади. Улар болаларнинг тафаккурини кенгайтиришга, миллий қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат туйғуларини қарор топтиришга хизмат қилади.

МАЪНАВИЙ
МЕРОСДАН
БАҲРА ОЛИБ

Маънавият тарғибот марказининг Юнусобод тумани бўлими диққат марказида ёшларни миллий қадриятларни асраб-авайлаш, халқимизнинг асрий урф-одатлари ва аъёналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш масалалари туради.

— Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинган жорий йилда биз йилги-қизларимиз, ёш оилалар учун маънавий-маърифий ишлар доирасида қатор тадбирларни ташкил этдик, — дейди Маънавият тарғибот марказининг Юнусобод тумани бўлими раҳбари Нигора Абдурахимова. — Фаолларимизнинг саъй-ҳаракатлари болалар, ўсмирлар, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот этиш, юксак маънавий-ахлоқий қадриятларни қарор топтиришга йўналтирилган.

Анъанага кўра ушбу марказ мутахассислари ҳар доим давлат ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради. Жойларда — касалхоналар, оилавий поликлиникалар, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда даврнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбатлари, учрашувлар, бевосита мулоқотлар ўтказиш яхши анъанага айланган.

Ҳар қайси соҳа мутахассисининг малакаси бевосита унинг дунёқараши, билимининг чуқурлиги, тафаккури кенглиги, ақлий салоҳияти, дунёда ва мамлакатда соғир бўлаётган воқеалардан қанчалик хабардор эканлиги билан белгиланади. Шу сабабли жойларда ташкил этилаётган тадбирлар ҳар доим иштирокчиларнинг қизиқишини уйғотади.

Жумладан, мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида Тошкент телемунораси ходимлари иштирокида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» мавзусида давра суҳбати уюштирилди. Тадбирда Тошкент Давлат юридик институти кафедра доценти Севара Марипова сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида қонуни ижодкорлиги соҳасида эришилган ютуқлар ҳақида сўзлаб берди. Бошқа иштирокчилар халқимизнинг бой маънавий мероси, сўнгги йилларда мамлакатимиз қиёфасининг тубдан ўзгарганлиги ҳусусида тўхталиб ўтишди.

Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ҳуқуқ-тартибот идоралари, тиббий муассасалар билан ҳамкорликда маҳаллаларда йилги ва қизлар орасида гиёҳвандликнинг олдини олиш, ичкиликбозлик ва тамаки чекиш зарарига бағишланган тадбирлар кўламини кенгайтирди. Қизлар ўртасида «Соғлом она — соғлом бола», «Оилавий қадриятлар ва аъёналарни асраш» мавзусида суҳбатлар уюштирилди.

Ёзги таътил кунларида 259, 122, 12-сонли мактаблар қошидаги соғломлаштириш оромгоҳларида қизқарли тадбирлар ўтказилди. Бу ерда болалар даврасида Ўзбекистон тарихи давлат музейи ходимлари сўзга чиқиб, уларга бой тарихимиз ҳақида сўзлаб берилди, айти вақтда ўзлари олиб келган музей экспонатлари билан таништирилди.

Мустақиллик байрами арафасида марказ фаоллари байрамолди тайёргарлик ишлари билан банд — ташкилотлар ва корхоналарда, ўқув юрларида концертлар ва хайрия тадбирлари уюштирилмоқда.

Мирзо Улугбек номи маҳалла аҳли мустақиллигимизнинг 21 йиллигини кутиб олишга олдиндан пухта тайёргарлик кўрди. Юзлаб дарахтар, манзарали буталар ва гул кўчатлари екилди, йўл участкалари асфальтланди, хусусий ҳовли-жойлар атрофидаги ҳудудлар ободонлаштирилди. Байрам арафасида ҳашар ўтказиш режалаштирилган бўлиб, унда нафақат маҳалла аҳолиси, балки ҳудуддаги корхоналар ва ташкилотлар ишчи ва хизматчилари, мактаб ўқувчилари ва талабаларнинг иштироки этиши кутилмоқда.

Маҳалла

ЁШЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

— Мирзо Улугбек маҳалласи катта ва ақил жамоадир, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Равшан Юсупов. — Бу ерда 1700 та оилада 6774 киши истикомат қилади. Маҳалла ҳудудида кўп қаватли уйлар, хусусий ҳовли-жойлар ҳам бор. Маҳалламиз аҳолисининг кўпчилиги шу ердаги ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилади. Аксарият муассасаларнинг ҳориклик шериклари ҳам бор. Булар қаторида «Ўзбекнефтегаз» МЖК, ЎЗР Физика-техника институти, Ўзгидромет, Мирзо Улугбек номидаги Астрономия институти ва бошқаларни қайд этиш мумкин. Илмий муассасалар мутахассислари ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўзбек олимлари эришаётган ютуқлар билан таништириш мақсадида уюштирилаётган давра суҳбатлари, семинарларда фаол иштирок этмоқда. Шу сабабли бизнинг фарзандларимиз кўпгина табиий фанлар соҳасига қизиқади ва шу йўналишдаги олий ўқув юрларини танлайди.

Маҳаллада француз тилини ўқитишга ихтисослашган 51-сонли мактаб фаолият кўрсатади. Айти пайтда бу ерда Тошкент ирригация ва мелiorация институти қошидаги академик лицей ҳам фаолият кўрсатади.

Тадбиркорлар учун яратилган ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланиш, бозор талаблари асосида иш юритаётган «Bilol-Polvo» хусусий корхонаси ҳам замон билан ҳамроҳан қадим ташлаётган корхоналар сирасига қиради. Утган давр мобайнида йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, маҳсулот турлари кўпайиб бораётгани, ёшлар учун иш ўринлари яратилаётгани фикримизнинг ёрқин исботидир.

Ўз фаолиятини 2008 йилда бошлаган корхона қурилиш материаллари — рангли пластик қопламалар ва таркет плитусларини (ёғоч плитуси ўрнини босувчи) ишлаб чиқаришга ихтисослашган. 5 нафар ишчи билан иш бошлаган корхонада ҳозирда уларнинг сони 20 нафардан ошди.

— Бу йилги режамиз корхонамизни тўлиқ қувват билан ишлатиш ва янги турдаги маҳсулотлар сонини кўпайтириш, маҳаллийлаштириш даражасини янада ошириш, — дейди «Bilol-Polvo» хусусий корхонаси раҳбари М.Косимхўнов. — Ҳозирда маҳаллийлаштириш даражаси 41 фоизни ташкил қилади. Бундан ташқари республикамизда олиб борилаётган бунёдкорлик, қурилиш ва ободонлаштириш ишларига ўз хиссамизни қўшиш ҳамда халқимизга сифатли хизмат кўрсатишдан иборатдир. Корхонанинг асосий фаолияти қурилишда ишлатилаётган 44 хилдан ортқ девор ҳамда шифтларни жиҳозлашда қўлланиладиган қурилиш материалли, рангли пластик қопламаларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Маҳсулотлар истеъмолчиларнинг талаб ва тақлифларига буюн ишлаб чиқарилимоқда.

Жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимиз-

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ
ДАСТУРИ АСОСИДА

Ишлаб чиқариш корхоналарида модернизациялаш, техник ва технология жиҳозлаш ишларининг амалга оширилиши натижасида тайёрланаётган маҳсулот сифати ортиб, улар четдан келтириляётган ҳудуд шундай товарлар билан бемалол рақобатлашмоқда. Янги лойиҳаларнинг ишлаб чиқаришда жорий этилиши эса бугунги кун талабига мос маҳсулот турлари яратилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

нинг мустаҳкам таянчи эканлигидан келиб чиққан ҳолда «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан «Тадбиркорлик — мустаҳкам оила пой-девори» ширини остида бизнес-форум ташкиллаштирилди. Корхонамиз ушбу форумда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг имтиёзли кредитдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлди. Ҳозирда корхонамиз ушбу банкнинг Олмазор филиалининг имтиёзли кредитидан фойдаланиб келмоқда. Бу эса қўшимча 5 та иш ўринларини ташкил этишга имкон берди.

Корхонамизда рангсиз пластик қопламаларни ишлаб чиқариш ускунасида 3 та линия, пластик рейкаларни ишлаб чиқарувчи 1 та линия, рангсиз ишлаб чиқарилган пластикларни бўйашга мўлжалланган 1 та линия,

3 та пластик ишлаб чиқарувчи линияга хизмат кўрсата оладиган хом ашёни аралаштириб тайёрловчи миксер ускунаси тизими ўрнатилган.

Корхона маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқараётганлиги учун Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган.

Мустақил диёримизда кичик ва хусусий бизнесга кенг йўл очиб берилаётганлиги ва уни ҳар томондан қўллаб-қувватланаётганлиги бугунги кунда аққол намоён бўлмоқда. Республикада янги ишлаб чиқаришдаги кичик ва хусусий бизнеснинг улushi тобора ошиб бораётганлигининг ўзи ҳам бунга аққол далолатдир. Бунини ушбу кичик корхонанинг фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Саҳифа материалларини Зияда РАСУЛОВА ва Максим ЧЕРНОГАЕВ тайёрлаган
Козим Улмасов олган суратлар

Мамлакатимизда ҳукм сураётган меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик муҳити тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омилидир. Элу юртнинг шодиёна кунларида бу неъматнинг қадри янада аққолроқ намоён бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 19 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан жойларда, хусусан, маҳаллаларда ўтказилаётган кенг қамровли чора-тадбирларда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Тошкент шаҳрида ҳам энг улуг, энг азия байрамга юқори савияда тайёргарлик кўрилмақда.

БАЙРАМ ТИНЧ
ВА ОСУДА ЎТАДИ

— Байрам кунлари тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тасдиқланган режа асосида изчиллик билан амалга оширилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари вазифасини бажарувчи подполковник Бахтиёр Эгамбердиев. — Бунда ҳокимликлар ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиляётир.

Пойтахтимизнинг ҳар бир гўшаси, айтиқса, байрам тадбирлари ўтказилаётган жойлар соҳа ходимларининг алоҳида эътиборида. Хавфсизликни таъминлашга қаратилган кенг қамровли «Тозалаш — антитеррор» тадбири ушқоқлик билан давом эттирилмоқда. Унда ички ишлар ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, кўча ва уй-бошилари, маҳалла посбонлари, жамоат ташкилотлари вакиллари фаол иштирок этмоқда. Тадбир давомидида аниқланаётган камчиликлар, ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида бар-тараф этиляётир.

Паспорт тизими қодаларига амал қилинишни таъминлаш бўйича рейдлар ўтказилиб, қонунбузарликка йўл қўйган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриляётир. Тадбир давомидида гиёҳванд моддалар савдоси билан боғлиқ 16 ҳолат аниқланди.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳам осийишталикнинг муҳим омилларидандир. Шу боис аҳоли пунктлари, иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғин хавфсизлиги тадбирлари янада кучайтирилди. Соҳа ходимлари аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қодаларига риоя этиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Тегишли идоралар билан ҳамкорликда хонадонлар, ташкилот ва корхоналарда текширишлар ўтказилди. Аниқланган камчиликлар бар-тараф этилди.

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган профилактика инспекторларининг алоҳида ўрни бор. Уларнинг самарали фаолияти натижасида жамоат жойларида тартиб-интизом тобора яхшиланмоқда. Вояга етмаганлар ва муқаддам судланган шахслар томонидан жиноят содир этилиши кескин камайгани кузатилди. Айти пайтда пойтахтимиздаги 476 милиция таянч пунктида соҳа ходимларининг куну тун фаолият юритиши йўлга қўйилган.

Йўл-патруль хизмати назорати янада кучайтирилди. Тошкент шаҳрига ўқотар қуроллар ва портловчи моддалар, гиёҳвандлик воситаларининг кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида Йўл-патруль хизмати масканларида автотранспорт воситалари қатъий текширувдан ўтказилмоқда.

Ички ишлар идоралари томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бориляётган бундай кенг қўламли чора-тадбирлар самарасида мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби пойтахтимизда ҳам аҳоли тинчлиги ва хавфсизлиги таъминланмоқда.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида маҳаллаларда, корхона, ташкилот ҳамда ўқув муассасаларида огоҳликка чорловчи тадбирлар, «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзусида учрашув ва суҳбатлар ташкил этиляётир. Ҳамюртларимизнинг хушёрлиги ва огоҳлиги, тинчликни сақлаш нафақат тегишли идоралар ходимлари, балки ҳар бир фуқароннинг бурчи эканини яхши англаб етаетгани осийишталикнинг муҳим омили бўлмоқда.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

МУХТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Энг улуг, энг азий байрам — давлатимиз мустақиллигининг
21 йиллиги билан барчангизни қизгин муборакбод этиб, самимий меҳр
ва ҳурматимизни билдирамиз.

Толеингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Истиқлол байрами барчамизга муборак бўлсин!

“O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT MINTAQAVIY TEMIR YO‘L UZELI” ЖАМОАСИ



ASIA ALLIANCE
BANK

“ASIA ALLIANCE BANK”
ЖАМОАСИ

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
ВА АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИ

Истиқлолимизнинг қутлуғ

21 йиллиги

билан самимий муборакбод
этади.

Тинчлик-хотиржамлик, оилавий
бахт ва муваффақият
доимий ҳамроҳингиз бўлсин!



SUVSOZ

«SUVSOZ»

Давлат унитар корхонаси жамоаси

ҳамшаҳарларимиз ҳамда
пойтахтимиз меҳмонларини
Энг улуг ва энг азий айём —
Истиқлолимизнинг

21 йиллиги

шодиёнаси билан чин қилдан муборакбод этади.

Она диёри мизга ҳурлик,
озодлик, тўқинлик ва
фаровонлик бахшида
этган Мустақиллик
байрами барчамизга
қутлуғ бўлсин.





АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

*Сизларни Мустақиллигимизнинг
21 йиллиги байрами билан чин кўнгилдан
самимий муқорабод этамиз.*

*Ушбу қуёғ айём муносабати билан
Сизга ва оила аъзоларингизга куч-ғайрат,
шижоат ва мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.*

“BAU MAX BARAKA” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ




Устойчивый банк - устойчивые клиенты!

**ҲУРМАТЛИ ИЮРТДОШЛАР!
“TURKISTON BANK”**

*хусусий очик акциядорлик тижорат
банки жамоаси Сизларни*

**ВАТАНИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
21 ЙИЛЛИГИ**

*байрами билан самимий
қутлайди.*

*Барчангизга мустаҳкам
соғлиқ, оилавий бахт-
саодат тилайди.*

*Эл-юрт ободлиги ва
фаровонлиги йўлидаги
ишларингизда омад ёр
бўлсин!*



«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси ва Ёшлар ижод саройи томонидан ташкил этилган мазкур фестивалда тасвирий ва амалий санъат асарлари намойиш этилмоқда.

Фестивалнинг очилишида турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, рассом ва дизайнерлар, уста ва ҳунармандлар, санъатшунослар, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бадий диди ва тафаккурини шакллантириш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни янада рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Бу жиҳатлар «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутди. Мазкур жамоат ташкилотининг «Art Week.Style.uz» халқаро лойиҳаси, «Тасвирий санъат+5» ижодий ҳафталиги, биеннале ва кўргазмалари миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг ўзига хос анъаналарини тарғиб этиш билан бирга, ижодкорларнинг ўзаро фикр ва таъриба алмашиши учун имконият яратди.

Жамғарма томонидан 2004 йилдан буён ҳар икки йилда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Навқирон Ўзбекистон» санъат фестивали 17 ёшдан

35 ёшгача бўлган йигит-қизларнинг ижодий-интеллектуал, бадий салоҳиятини юксалтириш, фаолиятини атрофлича таҳлил этиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш каби эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

«Навқирон Ўзбекистон: анъанавий санъатга замонавий нигоҳ!» шиори остида ўтказиладиган мазкур фестивалнинг аҳамиятли томони — лойиҳага тақдим этилган ишларда асрлар мобайнида шаклланган нафис санъатнинг турли йўналишларига ёшларнинг янгича нигоҳи, муносабати ўзифодасини топади. Ўтган вақт мобайнида мазкур тасвирий санъат байрамида муваффақиятли иштирок этган ёшлар юртимизда қад ростлаётган муҳташам бинолар, музейлар, санъат ва маданият масканларини безаш, кўча ва хиёбонлар, боғларнинг ландшафт дизайнини яратиш ишларига муно-

ЁШЛИКНИНГ ЖЎШҚИН ИЛҲОМЛАРИ

Ёшлар ижод саройида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган «Навқирон Ўзбекистон – 2012» V республика анъанавий ва замонавий санъат фестивали бошланди.

сиб ҳисса қўшмоқда. Халқаро миқёсдаги турли нуфузли кўргазмалар, хорижда ўтказилаётган Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари сингари тadbирларда қатнашмоқда.

«Навқирон Ўзбекистон – 2012» санъат фестивалида ижодкор ёшларнинг тасвирий санъат, фотография, дизайн, ҳайкалтарошлик, миллий ҳунармандлик, инсталляция, видео-арт сингари йўналишлардаги асарлари намойиш этилмоқда. Уларда муаллифларнинг орзу-интилишлари, ҳаётга муносабати ёшликка хос беғуборлик ва жўшқинлик билан ифода этилган. Фестиваль доирасида санъатшунос олимлар, таниқли мусаввирлар, ҳайкалтарошлар, уста ва ҳунармандлар иштирокида давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари, маърифий анжуманлар бўлиб ўтади.

Тасвирий ва амалий санъатнинг турли йўналишлари янгича нигоҳ билан талқин этилса-да, унинг асосий моҳияти, мақсади инсонни маънавий камолотга етаклаш, эзгуликка, пок ва олижаноб фазилатларга



Обтабт Мирзоатов (ЎЗА) олган сурат

даъват этишдир, — дейди риштонлик кулол Мирзомазҳар Ақромов. — Фестиваль учун тақдим этилган барча ишларда ушбу жиҳатлар яққол сезилиб турибди. Бундай санъат фестивалида иккинчи марта иштирок этяпман. Ёшлар ижод саройидек муҳташам кўргазма залида ижодий ишларимнинг намойиш этилиши биз, ёшлар учун улкан шарафдир.

Фестиваль ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тadbир сентябрь ойининг бошида бўлиб ўтади.

**Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири**

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик шодиёналари тобора яқинлашаётган шу кунларда халқимизга янада кенг қулайлик яратиш, аҳолини нисбатан арзон ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида жойларда ташкил этилган савдо-ярмаркалари иши тобора фаоллашмоқда.

БАЙРАМОЛДИ ЯРМАРКАЛАРИ ГАВЖУМ

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмасидан маълум қилишларича, шу кунларда пойтахтимиздаги йигирмадан зиёд жойда савдо-ярмаркаси фаолият юритмоқда. Ярмарка иштирокчилари раста, тош-тарози, совутичли витрина ва бошқа зарур анжомлар билан таъминланган.

«Олой деҳқон бозори»даги ана шундай ярмаркада Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон вилоятлари миришкорлари ўзлари етиштирган маҳсулотларни харидорларга тақдим этаётди.

Вилоятимиз фермерлари пойтахтимиздаги учта бозорга ҳар куни ўнлаб тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини пешма-пеш етказиб бермоқда, — дейди Фарғона вилояти бозорлар уюшмаси раиси Одилжон Тошболтаев. — Ҳозирга қадар 200 тоннадан зиёд мева ва сабзавот сотдик.

Ушбу арзон ва сифатли маҳсулотлар шахарликлар дастурхонини безаш билан бирга, бозордаги нарх-навоининг барқарор сақланишига ҳам хизмат қилмоқда. Нукус ва Урганчнинг гу-

ручлари, Паркент ва Олтиариқнинг узуму бодринглари, Бухоро ва Қашқадарёдан келтирилаётган гўшт ва туҳум маҳсулотлари харидорларга ҳар жиҳатдан маъқул бўлаётди.

Ҳар йили хўжалигимизнинг 5 гектар майдонида шоли етиштирамиз, — дейди ЎЗА муҳбирига Урганч туманидаги «Қурамбой бобо» фермер хўжалиги раҳбари Эргаш Қурамбоев. — Ўртача 50-60 центнердан ҳосилдорликка эришиб, унинг бир қисmini байрамолди ярмаркаларига етказиб берамиз. Харидорлар гуручимизнинг сифати юқорилиги ва нархи арзонлигидан мамнун.

«Олой деҳқон бозори» маъмуриятдан олинган маълумотларга кўра, ярмарка бошланган кундан ҳозирга қадар бозорда 130 тонна гуруч, 30 минг донадан кўпроқ туҳум, 6 тоннадан зиёд гўшт, қарийб 40 тонна картошка, пиёз, 50 тонна атрофида узум, шафтоли каби маҳсулотлар сотилган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо-ярмаркалари 10 сентябргача давом этади.

Сайёра ШОЕВА



Тошкент шаҳрида 24 август кунини ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли мавжуд. Фарбдан секундида 5-10 метр тезликда,

қучайган ҳолда 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 24 августда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, тағмиқдор паст бўлади.

Тошкент ОҚШОМИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бoshқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида тегилиб ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзили:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 841

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4970 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга топширилди: 15.50

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ